

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1771-ҳадис

1771/5027 - عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: حَيْكُمْ مَنْ تَعْلَمَ

الْقُرْآنَ وَعَلَمَهُ.

1771.5027. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоң алайхи васаллам: «Энг яхшингиз Қуръонни ўрганган және уни ўргатған кишидір», дедилар.

Абу Абдурраҳмон Усмон амирлигидан то Ҳажжож келгунича Қуръон ўқитди. У: «Мени мана шу ўтирган еримга ўтиргизиб қўйган шудир», деган».*

Изоҳ: Ҳадисни Усмон розияллоҳу анҳудан Абу Абдурраҳмон Суламий, у кишидан эса Саъд ибн Убайда ривоят қилган. Ушбу охирги гап ўша Саъд ибн Убайдага тегишли. Бундан маълум бўладики, Абу Абдурраҳмон Суламий раҳматуллоҳи алайҳ Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик давридан Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий Ироқ волийси этиб тайинлангунча бўлган муддат мобайнида Куръони Каримдан таълим бериш билан шуғулланган экан. Маълумки, Усмон розияллоҳу анҳу ҳижрий 23 йил, зулҳижжадан (м. 644 й. 7-ноябрдан) ҳижрий 35 йилнинг шаввол (м. 656 й. апрел) ойигача халифалик қилган. Ҳажжож эса 75-95 (м. 693-714) йилларда Ироқقا амир бўлган. Саъд ибн Убайда бу муддатни аниқ айтмаган. Аммо Усмон розияллоҳу анҳунинг вафотлари билан Ҳажжож волий бўлган сананинг орасидаги муддатнинг ўзи 40 йилdir! Бунча муддат Куръони Карим ўргатишнинг ўзи буюк хизматdir. Абу Абдурраҳмон Суламий раҳматуллоҳи алайҳнинг шу қадар узоқ муддат Куръони Каримни ўқитишига боғланиб қолганига у киши Усмон розияллоҳу анҳудан эшитган мазкур ҳадис сабаб бўлган экан.

1771 « : - - - - - 5028/ - - - - - .

.1771A5028. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Энг афзалингиз Куръонни ўрганган ва уни ўргатган кишидир», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

